



## ОРОЛБЎЙ ХУДУДИДА ЯШАЙДИГАН ЭРТА ЁШЛИ БОЛАЛАРДА АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**М.Ж. Очилдиев**

**М.Р. Худайбергенов**

**У.У. Юсупова**

*Тошкент тиббиёт академияси  
Урганч филиали “Педиатрия ва  
неонатология” кафедраси*

**Аннотация.** *Мазкур тадқиқот 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларда тери ва нафас ё‘ллари аллергия касалликларининг клиник, психологик ҳолати ва ҳаёт сифати бўйича олиб борилди. Тадқиқот давомида 70 нафар бола иштирокида сўровнома ўтказилди, улардан 50 нафари асосий гуруҳ ва 20 нафари назорат гуруҳини ташкил этди. Тадқиқот натижаларига кўра, болаларнинг катта қисми ерта ёшда дерматит, аллергия ринит, бронхиал астма ва бошқа аллергия касалликлар билан оғриган. Ирсини омилар ва яшаши муҳитининг ҳолати ушбу касалликларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутгани аниқланган. Шунингдек, ота-оналарнинг бу борадаги билим ва хабардорлик даражаси пастлиги, шунингдек, касалликларнинг ерта аниқланиши ва олдини олишида муайян муаммолар мавжудлиги кўрсатилди. Тадқиқот натижалари астма ва аллергия бўйича ўқув дастурларни кенг жорий этиши заруратини асослайди.*

**Калит сўзлар:** *аллергия, атопик дерматит, аллергия ринит, болалар соғлиги, бронхиал астма, ирсият, микроекология, диагностика, соғлиқни сақлаш.*

### КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустахкамлаш борасида салмоқли ютиқларга эришилди. Болалар ва ўсмирларни жисмоний жихатдан бекаму-кўст ҳамда уйғун камол топтириш жисмонан бақуват ва маънан баркамол ёш авлодни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, муайян натижалар олинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда, айниқса, педиатрияда энг муҳим муаммолардан бири аллергия касалликлардир. Болаларда бу патология энг кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, жиддий аллергия реакциялар частотасининг ортиши ва клиник кўринишларнинг ерта бошланиши қайд этилади. Шу муносабат билан, болаларда аллергия патологияларни ўз вақтида ва малакали ташхислаш энг долзарб бўлиб қолади (Сновская М.А. ва бошқ., 2017).

Аллергия касалликларнинг олдини олиш кенг кўламли чора-тадбирлар билан таъминланиши ва пренатал даврдан бошлаб инсон ҳаётининг барча босқичларида амалга оширилиши керак (Перевощикова Н.К. ва ҳаммуал., 2017).



Бундан ташқари, аллергия касалликларга чалинган беморларда даволаш ва реабилитация усулларида фойдаланиш, уларнинг стандарт даволаш режимлари билан яхши комбинацияси ва ножўя таъсирларнинг деярли йўқлиги ҳисобга олинган ҳолда тобора долзарб бўлиб бормоқда (Gulbin B.K., Turti T.V., 2012).

### **ТАДҚИКОТ МАҚСАДИ**

Эрта ёшли болаларда аллергия касалликларнинг клиник ва иммунологик хусусиятлар ўзгаришларни эрта ташхислаш.

### **МАТЕРИАЛ ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ**

Тадқиқотда 2024 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда 1- 7 ёшгача бўлган аллергия касалликлари бўлган 50 та болани тадқиқот учун танлаб олдик.

Тадқиқот гуруҳи (клиник, психологик ҳолат ва ҳаёт сифати) 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган 50 нафар болалардан иборат (шундан 20 нафари назорат гуруҳи). Тадқиқотда жами 70 та болалардан сўровнома ўтказилди.

### **НАТИЖАЛАР**

Болаларнинг 59% фоизи 1 ёшгача дерматит билан касалланганлиги аниқланди. Аллергиянинг тери кўринишлари кейинчалик 46% да сақланиб қолган, беморларнинг 17% да атопик дерматит, 27% беморларда ёки Квинке шиши аниқланган. Нафас олиш қийинлишуви хуружлари 79% да қайд этилган, аммо астма 76% болаларда топилган.

Бурун тикилиши ва бошқа аломатлар 73% ҳолларда қайд этилган. Сўралган болаларнинг 45 % да аллергия ринит қайд этилган. Ирсий касаллик сифатида онадан 50 % да, отадан 22 % да ўтиб оғирлашган. Оналарнинг 55 % ва оталарнинг 45 % и касбий касалликка дучор бўлган, 45 % уйда ҳайвонлар боқилган. Сўровнома шунингдек, ота-оналарнинг аллергия билан оғриган бола учун гипоалерген микроэкологияни яратиш бўйича етарли даражада ташвишланмаслигини аниқлади.

Ушбу ҳолатлар таълимга бўлган эҳтиёжни белгилайди астма ва аллергия бўйича дастурлар нафақат атопик касаллик намоён бўлган болалар ва ўсмирларнинг ота-оналари, балки аллергия ривожланиш хавфи бўлган ёш болаларнинг ота-оналари ва ҳомиладор аёллар учун аҳамиятга эга бўлди. Амалиёт, ўз навбатида, аллергиянинг аниқ белгилари бўлмаган ёки аллергиянинг кичик кўринишлари бўлган болаларнинг қариндошларининг бундай тадбирларда қатнашиш учун ички мотивацияси йўқлигини кўрсатади.

### **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, болаларга турли хил экологик омиллар таъсир кўрсатади. Боғчаларда сўровномалар ташкил этилди ва бунда асосан нафас олиш тизимида аллергияси мавжуд бўлган болаларнинг ота-оналари ташриф буюришди. Сўров натижаларига кўра, аллергия ринитни аниқлайдиган аломатлар кўпинча расмий ташхис сифатида қайд этилмагани аниқланди, яъни бронхиал ринит белгилари намоён бўлиш вақтини олдини олиш ёки кечиктириш учун зарур диагностика ва терапевтик чоралар мавжуд эмас.